



Хитойлар 1766, 1815 йиллар орасида жиддий урушларга киришмай, асосан, кўшини ва ерлик беклар ёрдамига таянган ҳолда Шаркий Туркистондаги ҳукмронлигини давом эттирди. Бу давр мобайнида улар Шаркий Туркистонда ўзига хос шаҳар-давлат тузилишига барҳам бериб, Хитой идора усуллариини ўрнатдилар. Алоҳида олинган ҳеч бир шаҳарга алоҳида бир бек бошчилик қилишига йўл қўймадилар. Бу билан эски асил-зодалар давлат ишларидан четлаштирилди. Хўжалар ё ўлдирилди, ёки мамлакатдан қувилди. Фақат 1816 йили тошбалиқлик Зиёвуддин Охунд бошчилигида хитойларга қарши кўтарилган кўзғолондан сўнггина хитойлар Шаркий

Туркистоннингхимоя кучлари қирилиб битмаганини кўрдилар. Бу кўзғолон ўша йилнинг ўзидаёқ бостирилди. Кўзғолон раҳбари қатл қилинди. Аммо Зиёвуддин Охунднинг ўғли Ашрафбек кўзғолонни давом эттирди. Шу боис хитойлар энди Шаркий Туркистонда ўзларига илгаригидек бино қўя олмай қолдилар. 1826 йилга қадар ахён-ахёнда Хитой гарнизонларига ҳам ҳужум бўлиб турди.

Қўкон хонлигига қочган Бурхониддин Хўжанинг ўғли Хўжа Саодат Али (Саримсоқ) Хитойга қарши урушларда жуда катта обрў-эътибор қозонди. У Шаркий Туркистондаги химоя кучларини тўплашга ҳаракат қилди. 1861 йилги кўзғолоннинг етакчиларидан бири ҳам ўша киши эди. Хўжа Саодат Али 1820 йили Қўконда вафот этди. Унинг Мухаммад Юсуф (Матюсуф), Фахриддин ва Жаҳонгир исмли уч ўғли бўлиб, улардан 1783 йили тугилган ўғли Жаҳонгир Хитойга қарши курашлари билан шухрат қозонди. У Андижон атрофидаги мудофаачилар бирлигини вужудга келтирди ва Андижон қалъасининг собиқ қўмондони Исо додхо саркардалигида 1826 йилнинг бошларида Қошғарга юриш қилди. Хитойлар Давлатбоғда мағлубиятга учраб, қалъага беркиндилар. Жаҳонгирнинг аскарлари 1826 йил май ойида Қошғарга мустаҳкам ўрнашиб олди. Ўша йилнинг июнь

ойида Кошгарга Кўкондан Мухаммадалихон кўмондонлигида 15000 аскар келиб кўшилди на 70 кунлик камалдан сўнг хитойларнинг Кошгардаги калъаси Гулбог кўлга киритилди. Жахонгир Шаркий Туркистон султони (хукмдори, деб эълон килинди. Хитойларнинг Кошгардаги мағлубияти Янги Хисор, Ёркент ва Хўтан аҳолисини рухлантириб юборди. Улар ҳам хитойларни ўз ерларидан кувиб, Жахонгирни хукмдор сифатида тан олишди. Жахонгир билан Кўкон хони Мухаммадалихон орасидаги келишмовчилик Кўкон кўшини Кошгарни ташлаб чикиб кетишига сабаб бўлди. Хитойлар айнан шуни кутиб турган эди. Улар харбий кучларини Оксувда тўплаб, 1827 йилнинг февраль ойида 60 000 аскар билан Кошгарга юриш килдилар. Айни шу йилнинг апрель ойида шиддатли жанглардан сўнг Жахонгирнинг кучлари тор-мор килинди ва у Олой тоғларига кочди. Хитойлар 20 000 аскар билан унинг изига тушди. Кўкон хони Мухаммадали Исо додхога Ўш теварагидаги Сўфикўргон ва Кизилкўргон калъаларини хитойлар хужумига карши тайёрлашни буюрди. Баъзи маълумотларга кўра, Жахонгир 1828 йилда хитойлар томонидан Олойда ушланиб, Пекинга жўнатилади(Хитойлар Жахонгирнинг бошини келтирганга 200 кумуш ёмби, уни тириклай келтирганга хукмдорнинг ўз шахридаги мулкни беришни ваъда килдилар. Бу вазифани кучалик Ашурбек бажарди. Куропаткинга кўра (Кашгария, 116-6.) Жахонгир Олой водийлик Мометбек деган шахс томонидан кўлга олинган, 217-бетига кўра Жахонгир Жангободдаги бир жангдан сўнг хитойлар томонидан асир олинади.) ва у ерда дахшатли бир тарзда катл килинади(Жахонгир (1783 - 1828) темир кафасда Пекинга юборилди ва у ерда халк орасида сазойи килинди. Хитой императори шахсан ўзи уни кўрмокчи эди. Сарой маъмурлари бунга карши эди. Чунки улар Жахонгир императорга шикоят килишидан андиша килардилар. Шунинг учун у императорга юзлаштирилгунига кадар тили кестирилди. Жахонгир император сўрокларига жавоб бера олмади. Император уни парча-парча килиб, гўштини итга ташлатди. Каранг: Куропаткин, 116-6. Хитойларга Жахонгирни тутиб бергани учун Ашурбек Куча хукмдори бўлиб олди.) 1828 йили хитойлар Кошгардан 12 000 мусулмонни Гулжага сургун килиб, уларга дехкончилик (таранчи) билан шугулланиш топширилди. Шаркий Туркистоннинг Жахонгир бошчилигидаги мустакиллиги саккиз ойгина давом этди.

1826 - 1827 йилларда Шаркий Туркистон мустакиллигига бархам берилиши хали Хитойнинг тўлик хукмронлиги ўрнатилди, деган гап эмас эди. Жахонгир енгилиши билан Кўкон хонлиги Шаркий Туркистон муаммосини хал килишга бел боғлади. Кўкон хонлиги Коратегин, Дарвоз ва Кўлобни кўлга киритгач, Хитойга карши курашда ўзини эркин хис килар эди. Мухаммадалихон Бухорода яшаётган Жахонгирнинг укаси Мухаммад Юсуфни 1829 йилда Кўконга чакиради. У табиийки, Шаркий Туркистон салтанатига даъвогар эди. Хон Мухаммад Юсуф ихтиёрига Хаккули кўмондонлигида 20 000 аскар ажратди. Бу кўшин 1830 йил сентябрь ойида тўгри Кошгарга юрди. Кўкон ва Хитой кўшинлари орасидаги дастлабки жанг Кошгарга 45 км етмасдан Мингйўлда бошланди. Хитойлар бу дастлабки жангни ютказди. Кўкон кўшини Кошгарга кирди. Кўкон лашкарининг бир қисми Янги Хисор, Ёркент, Хўтан ва Оксувга юриб, бу шаҳарларни кўлга киритди. Мухаммад Юсуф Шаркий Туркистон хони ўларок эълон этилди. Ноябрь ойида Бухоронинг тахдиди туфайли Кўкон лашкари Шаркий Туркистонни тарк этиши лозим бўлди. Натижада Мухаммад Юсуф уч ой ичида хитойлар томонидан тор-мор килинди. Шунга карамай, бууруш Кўкон хонлиги фойдасига якунланди. 1831 йили Кўкон элчиси генерал Олимнинг Пекинда тузган шартномасига кўра, хитойлар Шаркий Туркистоннинг олтита шахри божини назорат килиш хукуки Кўкон хонлигида эканлигини эътироф

этади.

1846 йилда Катта Тўра (Муҳаммад Амин) бошчилигидаги етти нафар Хўжа(Бошқа 6 нафар хўжа қуйидагилардир: Кичикхон, Бузрукхўжа, Валихон, Таваккалхўжа, Оқилжонхўжа. Барчаси хдм Оппокхўжа авлодларидан тарқалган эди.), бу сафар Кўкон хонининг изнисиз, 1000 нафар қуролланган йигитлар билан Қошқарга юрдилар. Улар 1847 йил август ойида Қошқарни ишғол этишга муяссар бўлдилар ва Катта Тўра хон деб эълон қилинди. У хон бўлгач, қуч тўплаб Хўтанга, Тавак-қалхўжа эса Оқсувга ҳужум уюштиришди. Хитойлар бу шаҳарлардан чекинишга мажбур бўлдилар. Шу билан бирга, хитойлар Қошқарни қайтадан ишғол қилиш ниятидан ҳам воз кечмаган эдилар. Улар 20 000 аскардан иборат қўшинни Оқсувдан Ланжоу ва Урумчидан Қошқар атрофига жўнатдилар.

Хўжалар 1848 йилнинг январь ойида Маралбоши жангида мағлуб бўлиб, Қошқардан қочишга мажбур бўлдилар. Улар билан бирга 10000 га яқин қўчманчилар Қошқарни ташлаб, Кўкон хонлиги тасарруфига йўл олдилар. Катта Тўра Ўшдан 110 км масофада бўлган Сўфиқўргонда Кўкон маъмурлари тарафидан қамолқа олинди. Натижада хитойлар 1831 йили Кўкон хонлиги билан тузилган шартномани янгидан тан олишга мажбур бўлдилар.

Валихон ва Кичикхўжалар Қошқарга қириб олиш учун 1855 - 1856 йилларда бир неча бор муваффақиятсиз урилиб қўришди. 1857 йил 16 майда Валихон ўз одамлари билан Ўш билан Қошқар ўртасидаги Оқ Салор қалъасини, яъни Кўкон тупроғини тарқ этиб, тўғри Қошқарга юрдилар. Шаҳарни қўлга қиритиб, Валихон Шарқий Туркистон ҳукмдори сифатида эълон қилинди. Унинг одамларидан бири бўлмиш Тиллаҳўжа янги Хисор ва Ёрқентга юрди. Бу шаҳарлар ҳам Валихон ҳокимиятини тан олди. 1857 йил август ойида 12 000 хитойлик Урумчидан Қошқарга юрди ва сентябрь ойидаги жангларда қалаба қозониб, ҳокимиятни қайта қўлга қиритдилар. Валихон 150 қўнлик ҳукмронликдан сўнг 150000 одами билан Қарвозга чекинишга мажбур бўлди. Валихон Қарвоз ҳукмдори Исмоилшоҳ томонидан асир олиниб, Кўкон хони Худойерга топширилди. Хитойлар Валихон тарафдорларидан Шарқий Туркистоннинг Оқ тоғлик (тоғлик) гуруҳининг раҳбари Мирмаҳмуд Шайхни таъқиб қилиб, асир олдилар. Танасини қарча-қарча қилиб, оқ итларга ташладилар(Хитойлар агар бировни жуда оғир қазолашни хоҳласа, уни нимталаб, қўштини итларга едиришга одатланган эди.). Кўкон 1858 йилнинг илқ баҳорида Хитой билан муносабатини тузатиш учун ҳаракат қилди. Хитой Кўконнинг Қошқарда таъсирли вақолатхонаси бўлишга розилик берди.

Жаҳонгир бошчилигидаги қўзғолондан сўнг (1826) Шарқий Туркистондаги аҳвол ниҳоятда ёмонлашди Шарқий Туркистон Хитой бош волисининг 1828 йилдаги фармони билан Урумчидаги ҳарбий қисм қўмондонларига йилда бир марта ноҳия бошлиқларининг ишларини текшириш, барча маъмурлар маошини оширишлари, ерлик халқ вакилларидан амалга тайинлашлари ҳуқуқи берилган эди. Бундан ташқари, Қошқарнинг ва бошқа ерларнинг қайта истилоси муносабати билан қўлга олинган ҳамма нарсаларни қўшин ихтиёрига олиниши ва бузилган барча қалъаларни тиклаш ҳақида буйруқ чиқарилган эди(Қорнилов, Қашғария..., 16-176.). Бу тоифадаги фармонлар тинимсиз чиқарилиб туриши Шарқий Туркистондаги Хитойлар ҳукмронлигига қарши қайфиятни қучайтириб юборди. Шарқий Туркистон мустанқиллиги учун қураш унинг ташқарисидан бошланиб, ичкарига ёйиларди. 1826 - 1828, 1846- 1857 ва 1857- 1858 йилларда бўлган озодлик учун қурашлар шундай ҳаракатлардан эди. Аммо бундан кейин ёлғиз халқ қўзғолонлари билан Хитой ҳукмронлигини тугатиш қийинлиги аңғашилди. Шундай қилиб, дунганлар ҳам

(Дунганлар диний нуқтаи назардан мусулмон бўлган хитойлардир. Гарбий Хитой мусулмонлари ҳақида ёзган барча олимлар тез-тез тунганлар ҳақида тўхталади. Фақат Кансуда яшаганлари ўзларини «туркани» дейишади. Ушбу асарнинг 118-саҳифасида муаллиф «Туркани» сўзи туркча «тур» - турмок, яшамок ва «ган» - яшаб турган, яъни бир ерда муқим яшайдиган, ўтроқ тушунчаларини ифодаловчи қисмлардан ташкил топганлигини кўрсатади. Шаркий туркистонликлар «тунган»ни «дунган» ёки «дўнган» тарзида қўллайдилар. Бу билан дунганлар ислом динини Шаркий туркистонликлардан кейин қабул қилганлигини ифода этмокчи бўлишади.) Чугучакда(Чугучакнинг олдинги номи Тоставай бўлиб, Чугучак воҳасида жойлашган эди. Жунгорлар замонидан у ер Тарбағатой деб номлана бошланди. Киёсланг: Якиноф, Описание... 108 - 111 б.га биноан бу) 1861 йили Хитой ҳокимиятига қарши кўзгалдилар. Ўша йилиёқ бу кўзғолон қонга ботирилди(Қуропаткин, Қашғария, 129-6.: Исён бостирилишида 40000 киши ўлдирилди, шаҳар вайронага айланди ва бу ерда тирик қон қолмади.). Чугучак исёни бир турқум кўзғолонларнинг дебоҳаси эди. 1862 йил Қучада Рашидиддин Хўжа бошчилигида кўзғолон бўлди. Бу кўзғолон Қорашаҳар, Тўқсун ва Турфон шаҳарларига ҳам ёйилиши билан 1864 йили ўзининг авж нуқтасига қўтарилди. Қучалик кўзғолончилар 1864 йилга қадар бу ердаги Хитой гарнизонини ишғол қила олмадилар. Бу кўзғолонларда унинг йўлбошчилари Машур Аҳмад, Мазун, Шамсиддин (дунган йўлбошчиси) ва Алёрбек (уйғур)лар қатта хизмат кўрсатдилар. Хитойлар томонида турган ва улар тарафидан Қуча беқлари қилиб тайинланган Муҳаммад Қурбон ва Шаҳриёрлар ўлдирилди. Кўзғолонга зикр этилганлардан ташқари Қучанинг нуфузли қишлоқларидан бўлмиш Иброҳим Тўра, Йўлбарс Тўра, Содикбек, Қозимбек, Гизобек ва Баҳодир Тўхталар ҳам раҳнамолик қилдилар. Булар Рашидиддин Хўжага «Хонхўжа» унвонини беришди. Хонхўжа Қошғар, Хўтан ва Ёрқентнинг обрўли қишлоқларига муқожаат қилиб, уни қон сифатида танишларини сўради. Улар ҳам Хон-хўжани қон деб тан олдилар ва унга мадад беришларини аён қилдилар. 1864 йилга қелиб бирин-кетин Урумчи, Қошғар ва Хўтан шаҳарлари озод бўлди. Хонхўжанинг қардоши Исоқхўжа Қурла, Қорашаҳар, Турфон ва Қоми шаҳарларига қуриш қилди ва ҳамма ерда хитойлардан устун қелди. Қорашаҳарда 10 000 аскарлик шаҳар қора хитойлар томонидан қурилган. Чугучак Ўғедей ўрданинг ҳуқумат маркази эди.

Хитой қўшинини мағлуб этиб, Исоқхўжа 1866 йил 5 майда Қоми шаҳрини ишғол қилди. Хонхўжа 1865 йили Содикбек томонидан муқтақил идора қилинаётган Оксув шаҳрига Бурҳониддин бошчилигида қўшин юборди. Содикбек Хонхўжа ҳуқмонлигини тан олишни истамаганлардан бири эди. Бурҳониддин Содикбек қўшини билан бўлган жангда мағлубиятга учради. Хонхўжа қичик уқаси Қалолиддин қўмондонлигида 2500 аскарни Содикбекка қарши жўнатди. Содикбек 1000 хитой, 200 қалмок ва 1000 мусулмондан иборат аскар билан унга қарши қуриб, қалаба қозонди. Хон-хўжа учинчи қартасида аввалроқ Содикбекнинг 5 800 қишлоқ қўшинини Қора Ёлғунда тор-мор қелтирган Қозимбек бошчилигида 2000 аскарни жўнатди. Содикбек Қошғарга қочди. 1866 йил 16 июлда Қозимбек Ок-сувни қўлга қиритди. Оксувдаги жангда мағлуб бўлган Бурҳониддин 20 июль 1866 йилда Уч-Турфонга қурди. Хитойларнинг 800 қишлоқдан иборат қичик қимоясини осонгина енгган Бурҳониддинни қалқ қувонч билан қарши олди. 1866 йил 14 октябрида Бурҳониддин Содикбек яширинган Қошғар шаҳрини қамал қилди. Бу орада Қутлугбек Қошғарни муқтақил деб эълон қилди. Қутлугбек билан Содикбек Хонхўжанинг ҳуқмонлигини тан олмаслик юзасидан қелишувга эга эди. Содикбек бир жангда Бурҳониддиндан енгилғач, юзақи бўлса ҳам Бурҳониддинга тобелигини билдиришни

истади. Шу муносабат билан Бурхониддин Содикбекнинг ўрдагохига келганида, уни асир қилиб олдилар. Бурхониддин Содикбекнинг Кошгар доирасидаги хокимлигини тан олиши ҳисобига озодликка чиқарилиб, орқага қайтади. 1867 йил июлида Кошгарда янги хокимият ўрнатган Якуббек Кучани ишғол қилиб, Шаркий Туркистон (асосан, Куча, Оксув, Уч-Турфон, Ёркент) хони Рашидиддин Хонхўжани қатл эттирди. Бу воқеа билан 1864 йил 7 июндан 1867 йил июль ойигача давом этган Шаркий Туркистоннинг эркинлик учун ҳаракати якунланди.

Хар ҳолда 1863 йил охирига яқин халқ деярли бутун Шаркий Туркистондан хитойларни улоқтириб ташласа ҳам озодликучун бўлган бухаракатнинг бир қатор чекланишлари бор эди. Хитойлар фақат Янги Хисор ва Кошгарнинг Гулбоғ қалъасини ўзларида сақлаб қолди. Ёркент ҳам озод эди, лекин шаҳар хокимлари Хонхўжанинг хокимиятини тан олмас эди. Шаҳар хокимлари - Ҳазрат, Абдурахмон ва Ниёзбеклар эди. Қалъа эса Хонхўжа хокимиятига дахлдор ҳисобланарди. Хўтан аҳолиси хитойларга қарши муваффақиятли кўзғолондан сўнг Ҳабибуллоҳни «подшоҳ» унвони билан ҳукмдор қилиб кўтардилар. Бу хўжа подшо ҳам Хонхўжа хокимиятини тан олмади. Бу ҳолат Якуббекнинг Шаркий Туркистон тарихи саҳнасига чиққунига қадар давом этди. Шаркий Туркистон мустақиллигини тиклаш учун 1826 йилдан бери қилинган уриниш даври, асосан, хўжаларнинг ғайрати ва халқ оммасининг кўзғолонлари йўли билан бирмунча муваффақиятларга эришди. Том маънодаги ҳамжихатликка эриша олинмаган бўлса ҳам 1866 йили Шаркий Туркистон мустақиллик нашидасидан баҳраманд бўлди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан